
6 ойда қанча балиқ овланди?

Фарғона вилояти статистика бошқармаси берган маълумотларга кўра, жорий йилнинг январь-июнь ойлари давомида вилоятдаги барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 3 минг 231 тонна балиқ овланган. Бу 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 13,9 фоизга кўп, демакдир.

Шундан:

Фермер хўжаликлари - 2 минг 721,5 тонна,

Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари - 150,3 тонна,

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳисобига 359,3 тонна тўғри келди.

Юқори улушга эга бўлган ҳудудлар:

Бешариқ тумани - 612,2 тонна,

Бағдод тумани - 490,2 тонна,

Ёзёвон тумани - 461,1 тонна.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2022-08-11 15:52:44